

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 25 (25), 2020 йил 28 февраль, жума



ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажакимиз", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Кейинги икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очик-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

— Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу улارнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмайпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлапти, деган савол ҳар куни қийнади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, куни кеча Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида қотибят ташкил этилди.

— Камбағалликни камайтириш оиллик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёлпасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли

нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашининг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳолини тахлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақиқда маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тuzилиши белгиланди.

— Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур, — деди Президент.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгалик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур ҳолларда артезиан ва қудуқлар қазिश бўйича топширик берилди.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фаргона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори.

Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Йиғилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақуруви ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақуруви мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақурилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақуруви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим қамровининг ошиши, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг жорий қилиниши ҳамда олий маълумотли

кадрлар тайёрлаш қўламининг кенгайтилиши муносибати билан юқори малакали мутахассисларга нисбатан юзга келаятган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 1 та хорижий ва 4 та маҳаллий олий таълим муассасаси фойлияти йўлга қўйилди, мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган тахлил натижалари аввало таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Давоми 2-бетда

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛанаДИ

ТИББИЁТ

Баҳодир ЮСУПЛИЕВ, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

Ўз аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш ҳар бир давлат ва жамият, хусусан, Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масала. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Бу жараён халқимизнинг малакали тиббий ёрдамга эҳтиёжини тўла қондириш, ҳудудларда тиббий профилактика, диагностика ва даволаш ишларини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий хизматни халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўпчилигини кўрсатмоқда.

Кўни кеча Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилиш ана шундай устувор вазифалар ечимига қаратилди. Йиғилишда тиббиёт соҳасида истиқболдаги вазифалар ва амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Йиғилиш кун тартибидеги масалалардан бири айнан касалликларни даволаш эмас, унинг олдини олиш бўлгани беҳиз эмас. Зеро, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам нотўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, камҳаракатлилик натижасида юрак-қон томир, асаб тизими, қандли диабет каби оғир касалликлар кўпайиб бормоқда. Аҳолимизнинг ярми ортиқча вазнга эга, 46 фоизда қон таркибиде меъёрдан ортиқ холестерин мавжуд, 31 фоизда қон босими юқори. Юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари мўл-кўл етиштирилса-да, аҳолининг қундалик овқат рациониде мева-сабзавот истеъмоли етарли эмас. Ушбу муаммолар туфайли Ўзбекистонда йиллик ўлим ҳолатларининг 78 фоизи айнан юқумсиз касалликлар уллушига тўғри келмоқда. Шу сабабли касалликларнинг олдини олиш тиббиётнинг асосий, устувор вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.




Президентнинг 2018 йил 7 декабрдаги фармониға мувофиқ, 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тўғрилиш дастур тасдиқланди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар изчил ижро этилиши натижасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги йилларда хусусий клиникаларда даволаш фойлияти турлари 50 тадан 126 гага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.




Аҳоли энг қўл мурожаат қиладиган бўғин — шешилиш ва тез ёрдам йўналишида марказлашган ҳаётли тизим яратилди. Тоғ ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 мингга етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди. Ихтисослаштирилган автомашиналар парки янгиланди.



Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар шифокор тўғри келмоқда.



Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқиди тахлил қилинди. 20-30 фоиз маблағ самарасиз сарфланаётгани кўрсатиб ўтилди. Юртимизда бирмалли тиббий-санитария учун йўналтирилаётган маблағ ҳажми 35-40 фоизни ташкил этади. Хорижда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади.



Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, фақат 12 та олий таълим муассасаси узлуксиз касбий малака ошириш ҳуқуқига эга. Ҳозир 50 фоиз шифокор малака ошириш билан қамраб олинмаган.

Шу боис, мазкур тизимни қайта қўриб чиқиш, қамровни кенгайтириш, малака ошириш курсларини Қорақалпоғистон ва вилоятлар марказларида ташкил этиш, мутахассисларга қўлайлик яратиш бўйича топширилган берилди.



Иш услуби эскичилигича қилиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактабларини ташкил этиш, ўқув жараёнлари ва амалиётни замон талаблари асосида амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.



ЖАРАЁН

Баҳодир БЕҒАЛОВ, Давлат статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тасаввур қилинг, қўлимизда Ўзбекистон харитаси ва унга қараб ҳудудларга доир бирламчи маълумотларни билиб олиш мумкин.



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ ВА АНИҚ ТАСАВВУР БЕРАДИ

Масалан, Қорақалпоғистонда қанча аҳоли яшайди, Хоразмда бандлик масаласи қай аҳволда, Сурхондарёда неча таълим муассасаси бор, Фаргона водийсида аҳоли зичлиги қандай ва шунга ўхшаш бошқа муҳим маълумотлар.

Бироқ бундай юзаки ва тахминий кўрсаткичлар билан бугунги жадал ривожланиш ва ислохотлар даврида узоқни кўзлаб ниманидир режа қилиш қийин, албатта.

Ақсична, қўлимизда ҳар бир ҳудудга доир аниқ фактлар бўлса, режаларимиз ҳам, амалларимиз ҳам манзилли ва пухта бўлади. Айнан шунинг учун бизга бутун мамлакатни қамраб оладиган ишончли маълумотлар керак ва уллар тадрижий равишда янгиланиб борилапти шарт. Бундай аниқ ва яхлит маълумотлар эса аҳолини рўйхатга олиш асосида шакллантири-

лади. Шунга қараб ўтмиш ва бугун ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ҳамда келажакка доир режаларни аниқ тузиш мумкин. Шунингдек, бу аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, оилавий ҳолати, бандлиги ва бошқалар ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.

Шу ўринда бир мисол. 1787 йилда АҚШ Конституцияси қабул қилинган ва шу асосида 1790 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган. Ҳозир ҳам у ерда ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатга олиш анъанавий қозғош шаклда ўтказилиб келинмоқда. Энг қизиғи, 70 йилдан кейин мазкур маълумотлар очилганиб, кутубхоналар ва архивларга топширилади. Фойдаланувчилар ўз тарихи ва шажарасига оид маълумотларни олиши мумкин.

Давоми 4-бетда

Давоми 2-бетда

ҲУҚУҚ

Бахтиёр ИСАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг
ўринбосари,
иктисодий ишлар бўйича судлов
хайъати раиси.

оркали айб учун жазо муқаррарлиги принципларини таъминлайди. Муайян манзилда ўтказилган сайёр йиғилиш фуқарони амалдаги қонунчиликдан хабардор этиб, тушунчаси ва тасаввурини кенгайтиради. Қолаверса, бу жараён фуқароларнинг суд-ма-суд сарсон-саргардон юришига чек қўяди.

Олий суд раисининг 2017 йил 24 июнда тасдиқланган "Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори айнан шу жараённи ташкил этишда дастуриламал бўлмоқда. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари ҳамда норматив ҳуқуқий-ҳужжатлари "сайёр суд" тушунчасини, унинг ўтказилиш тартиби, асослари тўғрисидаги нормаларни киритиш зарурати мавжуд.

Сайёр суд мажлисини ўтказишнинг бир неча муҳим жиҳатлари бор:

Биринчидан, жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш;

Иккинчидан, ишларни сайёр суд мажлисида жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш билан аҳолининг кенг қатламига тарбиявий таъсир кўрсатиш, шу орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришиш;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, уни янги босқичга кўтариш билан боғлиқ кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш белгиланган. Давлат миқёсида эътибор қаратилаётган ушбу вазифалар бевосита ва билвосита ҳуқуқ-тартибот органлари ташаббускорлигига, ўз хизмат бурчини виждонан адо этишига боғлиқ бўлиб турган бир паллада халқ билан яқин бўлиш, унинг дарду муаммолари ечимига кўмаклашиш учун мулоқотнинг самарали усулларидан фойдаланиш ўта долзарб ҳисобланади.

Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тад-



САЙЁР СУД ТИЗИМИ

ОДАМЛАР ИШОНЧНИ ОШИРМОҚДА

бирлари тўғрисида"ги фармонида барча тоифадаги суд ишларини сайёр суд мажлисларида ривожланган давлатлар таърибасига таянган ҳолда қўриб чиқиш амалиётини қўллаш белгиланган. Ушбу фармон аҳоли кенг қатламлари билан юзма-юз мулоқотни йўлга қўйиш, суд ҳокимиятининг очилигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

"Сайёр суд мажлиси" ибораси яқин вақтга келибгина нутқимизда пайдо бўлди. Бу судлар фаолиятининг очилиши ва шаффофлигини намоян қилишдаги ўзига хос таърибадир. Бунга кўра, турли даражадаги суд ишлари аввалгидек ёпиқ тарзда эмас, балки кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилади. Сайёр суд мажлиси ўтказиладиган жой раҳбарияти тегшли (маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноят) суд раислари топширигига асосан, мажлис ўтказилишдан 3 кун аввал ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини, давлат идоралари ва муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш объектларида эълон жойлаштириб, 70-80 фоиз аҳоли иштирокини таъминлаш лозим. Фуқароларни қонун, кодекслар мазмун-моҳиятидан тўлиқроқ хабардор қилиш, уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида ана шу усулнинг қўлланилиши, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Сайёр суд мажлиси бошқа шахсларда қонун талабларини бузишга бўлган мойиллик юзага келишининг олдини олишга ёрдам беради, ҳуқуқбузар ёки жиноятчи шахсни оммавий муҳокама қилиш

"Сайёр суд мажлиси" ибораси яқин вақтга келибгина нутқимизда пайдо бўлди. Бу судлар фаолиятининг очилиши ва шаффофлигини намоян қилишдаги ўзига хос таърибадир.

учинчидан, кўрилатган ишларга доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, моддий ва процессуал қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунириш;

тўртинчидан, суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, ҳолислиги ва одиллигини аҳолининг кенг қатламига намойиш этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришиш;

бешинчидан, судларда қўрилатган низо-ларнинг келиб чиқиши, шу жумладан, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ҳамда уларни юзага келтирган шарт-шароитларни оммага етказиш;

олтинчидан, аҳолининг эътиборини қонун бузилиши ва унинг юзага келиши сабабларига қаратиш ҳамда қарши фаол курашишга жалб этишдан иборатдир.

2019 йилги ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 28 минг 850 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 48,1 фоизи сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилгани эътиборга моликдир. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан судьяларнинг фуқаролар ҳузурига бориши, аҳоли орасида сайёр суд мажлислари ўтказиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. 71 мингдан зиёд фуқаролик иши сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилгани бунга яққол тасдиқлайди. Иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан қўриб чиқилаётган ишларнинг яримдан кўпроги ана шу усулда ўтганини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Судьялар ишни судда атрофила қўриш билан бирга, фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тушунириш бўйича учрашувлар, сайёр суд мажлисларини ташкил этмоқдалар. Суддан малакали ёрдам олишга ишонган фуқароларнинг сайёр қабулларга қизиқиши тобора ортиб борапти.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЕР ЭГАЛЛАМАНГ — ҲАР БИР ҲАРАКАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНИ БОР

Гулсум ШОДИЕВА

Маълумотларга кўра, кейинги икки йилда 3 884 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгалланган, 6 024 гектар ерда ноқонуний қурилушлар амалга оширилган, 9 741 гектар ердан самарасиз ҳамда 1 418 гектар ердан мақсадсиз фойдаланилган аниқланди.

Биргина Тошкент вилоятида 11 590 та ҳолатда 1 450 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгалланган, 9 713 та ҳолатда 855 гектар ерда ноқонуний қурилуш қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳокимликлар захирасидаги қишлоқ ҳўжалиги ерларининг ҳолати, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларни қайтариш ва уларда ноқонуний қурилган уй-жой, бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулк объектларини бузиш билан боғлиқ амалиётни таҳлил қилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланган муам-

молар ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётининг таянчи бўлган ер ресурсларини талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини қайтариш ва бундай ерларда ноқонуний қурилган уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектларини бузишга оид ишларни судда қўриб чиқиш тартиблари соддалаштирилмоқда. Чунки амалдаги қонун ҳужжатларидаги тартиб ердан фойдаланишдаги қонунбузарликларга маълум маънода имкон яратмоқда.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасига ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг "Суд буйруғи" деб номланган 18-бобига қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларга кўра, ўзбошимчалик билан эгалланган ерларни ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш ва ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк объектларини

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИЛАРИ

УЛКАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТАДИ

Алишер АЗИМОВ

Ўзининг 70 йилдан ортиқ тарихига эга бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинати бугунги кунда мис маҳсулотларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик 30 та корхона қаторидан ўрин олган. Шу билан бирга 17 турдаги маҳсулотни дунёнинг 16 давлатига экспорт қилиб келмоқда.

Комбинат конларни очиб ўзлаштириш ва маъданларни қазиб олиш, бойитиш, олтин саралаш фабрикалари, металлургия заводлари, йирик энергетика ва транспорт тизимлари, ривожланган инфраструктура ва ижтимоий объектларни ўзида мужассам этган улкан мажмуага айланган. Ўзбекистоннинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 45 та тармоқ бўлинмаларида 36 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилади.

Ана шундай улкан жамоа бугунги кунда қандай инвестицион лойиҳаларни амалга оширмоқда? Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти қандай манзара касб этади?

Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида комбинатнинг бугунги фаолияти билан яқиндан танишишни қайси бир ҳамкасбимиз истамайди дейсиз. Қуни кеча юртимизнинг бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятига уюштирилган пресс-тур ана шундай имкониятни яратиб берди.

Айни пайтда комбинатни 2019-2023 йилларда ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 4,5 миллиард доллар бўлган бешта асосий инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда, — деди жамият бошқаруви раисининг локализация, кооперацион алоқаларни кенгайтириш ва ахборот коммуникациялари бўйича биринчи муовини в.б. Отабек Исроилов. — Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги "Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2026 йилгача 2,9 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестициялар жалб этиш ва 2023 йилгача мис ишлаб чиқариш ҳажминини 28 фоизга, руҳини 75 фоизга ошириш кўзда тутилган.

"Қалмоққир" кони Олмалиқ шахридан 3 километр узоқликда жойлашган. У дунёдаги энг катта конлар сирасига қиради. Узунлиги 4,5 км, кенлиги 2,5 км бўлган карьер инсон қудратининг ҳосиласи сифатида ҳайратга солади.

— "Қалмоққир" — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичидagi энг йирик кон. — дейди карьер раҳбари А. Асқаров. — Ушбу кон мамлакатимиз рангли металлургия саноати учун асосий хомашё



**"ҚАЛМОҚҚИР" КОНИ ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАН 3 КИЛОМЕТР
УЗОҚЛИҚДА ЖОЙЛАШГАН. У ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА КОН-
ЛАР СИРАСИГА ҚИРАДИ. УЗУНЛИГИ 4,5 КМ, КЕНЛИГИ
2,5 КМ БЎЛГАН КАРЬЕР ИНСОН ҚУДРАТИНИНГ ҲОСИЛАСИ
СИФАТИДА ҲАЙРАТГА СОЛАДИ.**

базаларидан бири ҳисобланади. Қазиб олинган маъдан мис бойитиш фабрикасида қайта ишланади. Унинг лойиҳавий қуввати 30 миллион тоннани ташкил этади.

2017 йилнинг августида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олмалиқ шахрига ташрифи давомида "Ешлик I" конини ўзлаштиришга старт берилган эди. Янги конга яқинлашганимизда улкан машиналарнинг "наъраси" диққатимизни тортиди.

— Айни пайтда 310 та техника туну-кун меҳнат қилляпти, йил давомида уларнинг сони 510 тага етказилади, — дейди геолог З.Омондуллаев. — Шу кунгача конда 38 миллион тонна очил ишлари бажарилди. Бу ерда 2021 йилда 15 миллион тонна руда қазиб олиниши кўзда тутилган. 2034 йилга бориб, кон тўлиқ қувватда ишлаши натижасида бу кўрсаткич 74 миллион тоннага етказилади.

Ҳақиқатан, коннинг истиқбол имкониятлари улкан. Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард 349,8 миллион АҚШ доллари бўлган 5 та металлургия корхонасини ривожлантириш назарда тутилган. Жумладан, "Ешлик I" конини ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун 2 миллиард 676,2 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилади. Бунинг ҳисобига йилга 74 миллион тонна руда қазиб олиш қувватига эга бўлган кон, 60 миллион тонна руда қайта ишлаш имкониятга эга бўлган янги 3-мис бойитиш фабрикаси, 275 минг тонна маҳсулот тайёрловчи мис электролиз, 1 200 минг тонна сульфат кислотаси ва 55 минг куб метр кислород ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади. Бундан ташқари, янги 2-эритиш печи қурилиши, анод ва конвертор бўлимларининг реконструкцияси ва кенгайтирилиши амалга оширилади ҳамда 6 000 дан зиёд янги ишчи ўрни яратилади.

Объектда қурилуш-монтаж, тоғ-кон ва қазил ишлари олиб бориламоқда. Йил якунига қадар ушбу лойиҳа доирасида ўзлаштириладиган инвестицияларнинг умумий ҳажми 225,2 миллион АҚШ доллари тенг бўлиши кутилмоқда.

"Қизилполма" кони базасида "Самарқу" ер ости кони қурилиши лойиҳасининг имкониятлари ҳам чакки эмас. 71,5 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштирилиши туфайли тарихий олтинга бой 100 минг тонна руда қазиб олишни ташкил этиш ва 269 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Ҳозирги кунда ер усти ишлари тугалланиб, шахтада кончилик ишлари давом этмоқда.

— Хомашёни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳасининг амалга оширилиши эъвазига 124,6 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар ўзлаштирилади, — дейди К.Салимов. — Асосий технология ускуналарни етказиб бериш ишлари давом этмоқда. Агар мазкур кондан 2017 йилда 37,2 миллион тонна руда қазиб олинган, бўлса, 2021 йилда лойиҳа ишга тушганидан сўнг унинг қуввати йилга 40,3 миллион тоннага етказилади.

Яна бир лойиҳа асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастурига киритилган бўлиб, унга кўра, 2019-2022 йилларда мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари қувватларини модернизация қилиш ва янгилаш кўзда тутилган. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 357,5 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция ўзлаштириш билан бир қаторда корхонанинг нафақат жорий ишлаб чиқиш қувватлари янгиланади, балки атроф-муҳитга чиқарилаётган чикиндилар ҳамда захарли газлар миқдори сезиларли даражада камайишига эришилади. Ҳозирги кунда объектларда таъмирлаш ва тиклаш, қурилуш-монтаж ишлари олиб бориламоқда.

Юқорида қайд этилган 5 та йирик лойиҳа доирасида 2019-2022 йилларда жами 1 миллиард 455,8 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағлар ўзлаштирилади. 6 мингта янги иш ўрни яратиш баробарида маъдан қазиб олиш қувватларини 3 бараварга, рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарилишини қарийб 2 бараварга, экспорт ҳажмини 1,6 мартага ва бюджетга тушумлар 1,3 мартага оширилишига эришилади.



бузиш тўғрисидаги масалалар суд буйруғи тартибиде қўриб чиқилади.

Ваҳоланки, бу борадаги амалдаги тартибга мувофиқ, битта ноқонуний қурилмани буздириш ҳақидаги ҳал қилув қарори Мажбурий ижро бюросига келиб тушиши учун ўртача 80 кун муддат талаб этилади.

Бу эса, ноқонуний қурилуш у бошланган вақтда аниқланган тақдирда ҳам давом этиши-

га шароит яратмоқда, келгусида уни қонуний асосларда бузиш жараёнида мулкдор ҳамда ваколатли органлар ўртасида тушунмовчилик ва зиддиятни юзага келтирмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олиш масаласи жамоатчиликнинг қўллаб эътироз ва муҳокамасига сабаб бўлаётган эди. Масалан, жорий йилнинг

1 февралда Бош прокуратура томонидан Ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олишнинг олдини олиш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўнги икки йилда 56 минг гектар ер майдони ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилганлиги кўрсатиб ўтилиб, мутасадди раҳбарлардан қонун талабларига қатъий риоя этиш талаб қилинди.

— 2019 йилда республика бўйича 83 та ҳолатда 112 гектар сугориладиган қишлоқ ҳўжалиги ер майдони қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер сифатида бериб юборилган, — деди тадбирда Бош прокурор Н.Йўлдошев. — Мисол учун, Жарқўрган туманида 1,5 гектар сугориладиган экин майдони ғишт цехи қуриш, Тошкент туманида 20 сотих майдон савдо мажмуаси қуриш учун қонунга зид равишда ажратиб берилган.

Сўнги 2 йилда ер сотиш, талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 473 та жиноят иши қўзғатилиб, 543 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Бу жиноятларнинг 71 тасини порахўрлик, 354 тасини фирибгарлик, 37 тасини сохтакорлик каби қилмишлар ташкил этади.

Мутасар айтганда, айни пайтда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаси ер билан боғлиқ муаммоларга ечим бўлиш баробарида, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда энг мақбул ҳуқуқий асос бўлиб ҳам хизмат қилади, албатта.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Учкун МАҲМУДОВ, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Бош мутахассиси

Халқимизнинг янги туғилган гўдакка исм қўйиш масаласига масъулият билан қараши бежиз эмас. Ҳали бола дунёга келмасидан бурун ота-онаси исмлар китобини қайта-қайта арақлаб чиқади, ўғил бўлса, буни, қиз туғилса, бунисини қўямиз, деб эзгу ниятлар қилишади. Фарзанд дунёга келгач, диний қадриятлардан сув ичган урф-одатимизга биноан, унинг қўлоғига азон айтиб, ўзлари танлаган исмини қўяди. Зеро, гўзал исмдаги маъно, таъбир жойиз бўлса, юк боланинг феъл-атвориға кўчади, бора-бора унинг асл табиатиға айланади. Исми жисмиға мос, дегани аслида мана шу.

ЖОЙ НОМЛАРИ ҲАР БИР ҲУДУД КЎЗГУСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Табиийки, жой номи ҳам инсоннинг исмига ўхшаш. Чиройли ном билан аталган маззилга ҳали етмасингиздан, шу ҳудуд ҳақида илқ фикрга борасиз, бунинг акси бўлса, илқ тасаввурингиз кўпинча ижобий бўлмаслиги турган гап.

МАВЖУД ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Давлат тилини ривожлантириш департаменти мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сон қарори ижроси жойларга чиқиб ўрганилди. Натигада жой номлари билан боғлиқ масала кўп ҳудудларда ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ойдинлашди.

Мана, эътибор берган: бугун юртимизда 21 мингдан зиёд шаҳарча, қишлоқ, овул, аҳоли пункти ва маҳалла мавжуд бўлиб, шундан 300 га яқинининг номи қўпол ёки тилимизда ҳеч бир маънони англатмайди, бошқача айтганда, соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига умуман жавоб бермайди. Бундай ҳолат Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кўпроқ учрайди.

Масалан, Каттакўрғондаги "Омон-калхат", "Дамқорин", "Энамяхши", Иштихондаги "Шилқим", Косонсойдаги "Тақаранг" Мингбулоқдаги "Икки беш йиллик", Пешкудаги "Чалмагадой", Ғиждувондаги "Кекиртак", Қумқўрғондаги "Подархона", Ғаллаоролдаги "Анойи", "Кетмончи" каби жой номларини ўқиган киши борки, аввалига бир мартага "портлаб" кулиши аниқ. Аслида эса қуладиган ҳолат эмас. Энди шу манзилларда яшайдиган одамлар, масалан, ёшлар ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Туманингиз маркази ёки бошқа шаҳарга борсангиз-да, дўстларингиз қишлоқингиз ҳақида сўраб қолса, қандай жавоб берган бўлардингиз? "Подархона"ликман ёки "Энамяхши"дан-ман, дейсизми? "Дамқорин", ёхуд "Тақаранг" қишлоғида туғилганман, дейишдан хижолат бўлмасдингиз?

Маҳаллаларга ном қўйиш ҳам ана шундай ҳафсаласизлик "қурбони" бўлган, десак, тўғри тушунасиз. Йўқса, тилимизда бир-бирдан чиройли, маънолари кенг сўзлар, қолаверса, ҳар бир маҳалланинг бой тарихи, иклими ҳамда ўзига хос бошқа

жиҳатлари бўлгани ҳолда, "огизга келган гапни вайсаган"дек, бўлар-бўлмас номлар қўйилмаган бўлар эди.

Мисол сифатида Олтинқўлдаги "ОРС" (Отдел рабочего снабжения), Жалакуддаги "Бешкарам", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Чивинтепа", Риштондаги "Носгар", Езёвондаги "Қорасоқол", Қўштепадаги "Қорақалтак", Урганчдаги "Тажриба станцияси", Юнусободдаги "Йўлайриқ" маҳаллалари номларини келтириш мумкин. Наҳотки, ушбу маҳаллаларнинг шулардан бошқа мақнадаи-ган, кўз-кўз қилишга арзийдиган жиҳати, хусусан, тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари бўлмаса. Бор, албатта! Бунинг ўша жой аҳолисидан сўрасангиз қатролаштириб айтиб беради. Шундай экан, гап маҳаллий ҳокимликлар, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар аъзолари ҳамда маҳаллий аҳолининг безовта бўлиб, етати, энди бу номни ўргатирамиз деб, амалий ҳаракатни бошлашларида қолган.

Ўрганишлар давомида айнан бир ҳудудда такрорланган жой номлари кўлиги ҳам маълум бўлди. Республикамиз бўйича 100 дан зиёд шаҳарча, қишлоқ, овул, аҳоли пункти ва маҳаллаларда такрорланган жой номларини учратдик. Масалан, Оҳангаронда 3 та "Янгиқишлоқ", Чиноз туманида 2 та "Қаҳрамон", Хатирчида 2 та "Тошбулоқ", Ғиждувонда 2 та "Пахтакор" номли аҳоли пунктлари борлигини маҳаллий ҳокимликлар, наҳотки, билмаган бўлса? Билган, лекин яна ҳалигидек ҳолат, ўша гап — эътиборсизлик, ҳафсаласизлик ўз кучини кўрсатган.

НОМСИЗ КЎЧАЛАР...

Ўрганишлар жараёнида ўзи бор, аммо номи йўқ жуда кўплаб кўчаларга дуч келдик. Аниқроқ айтганда бўлса, бугунги кунда мавжуд 131 минг 300 тага яқин кўчалардан 65 мингдан ортиғи, яъни 50 фоизга яқинининг номи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланган ҳолда.

Ҳудудларда кўчаларни номлаш билан боғлиқ камчиликлар ҳам етарли. Ўрганиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган 300 га яқин кўча номи рўйхатга олинди. Энг кўпи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон вилоятларига тўғри келади. Бошқа ҳудудлар ҳам бу борада мақтана олмайдилар.

Биргина мисол: қордошларимиз томонидан Кармандаги "Қасобтўпи", Жарқўрғондаги "Зоопарк", Бойсўндаги "Гуриҳож", "Қалпамазор", "Қора ботқоқ", пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги "Костёрная", Олмасор туманидаги "Сумская" сингари кўчалар номи ўзгартириш таклифлари илгари сурилган бўлишига қарамай, улар ҳамон ўз ҳолича тургани мутасаддиларнинг мазкур йўналишдаги ишига ўз баҳосини бериб турибди.

Айнан бир ҳудудда бир хил номдаги кўчаларнинг кўплигидан бошимиз ганди. Республика бўйича 2 мингга яқин кўча номи бир туман (шаҳар) доирасида такрорланар экан.

Бу ҳолатни чуқурроқ ҳис этиш учун Бағдод туманида 5 та "Бўстон", Наманганда 5 та "Бозор", Норинда 5 та "Мустақиллик", 4 та "Истиқлол", Шароф Рашидов туманида 5 та "Чаманзор", Ғаллаоролда 4 та "Фаробий номидаги ва 4 та "Баҳмал", Қўшқўлпирда эса 3 та Аваз Утар номидаги кўчалар борлигини таъкидлашнинг ўзи кифофдир.

Яна бир муаммо кўчалар номи туширилган пешлавларга ўрнатилгани билан боғлиқ. Кўча бўйлаб кетярсиз, аммо пешлавларга йўқлиги тўғрисида қандайдир оғрингизни билмасдан хунобингиз ошади. Ҳеч бўлмаганда, битта жойга ўрнатса бўларди, деб шу ишга масъулларни койийсиз. Лекин бундан энди фойда йўқ, чунки юрвараб ҳолдан тоғиб бўлгансиз. Номини бор-у, аммо ҳеч қандай ёзиб қўйилмаган бундай кўчалар юртимиз бўйича 11 мингдан зиёд эканлигининг ўзиёқ хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатади.

МАСЪУЛЛАР ҚАЧОН "ЎЙГОНАДИ"?

Жойларда ана шундай муаммолар йиғилиб қолган экан, бунинг асосий сабаблари нимада? Ўрганиш асосида шу саволга ҳам жавоб топишга уриниб кўрдик. Аён бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қароридея Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия расми сифатида ҳокимлар белгиланган бўлишига қарамайдан, комиссиялар фаолияти ўлда-жўлда бўлиб қолган.

Ақсарият ҳудудларда мазкур комиссия қотиблиги лавозимлари турли идора-лар, масалан, маънавият ва маърифат маркази, халқ таълими, кадастр ёки бошқа қорхоналарнинг раҳбар ва ходимлари тайинлиниши, камига улар тез-тез алмаштирилиши ишри орқага торган бўлса тортганки, аммо олдинга силжитишга ҳизмат қилмаган.

Бугунги кунда ҳудудий комиссияларда фақатгина баённомалар, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг соҳага доир қарорлари ва тасдиқланган жой номлари рўйхати бор, холос. Комиссияларда географик объектлар хатловдан ўтказилгани ва уларнинг бугунги сони ҳамда номлар қонун талабларига мувофиқлиги ҳақида тахлилий маълумотлар йўқ, умуман бўлмаган, десак ҳам аслида хато бўлмайди.

Шулардан келиб чиқиб айтганда бўлса, масъуллар бу масалага асосий вазифаларидан бири сифатида қарашга ўрганишлари ва ўйғонишлари шарт.

КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН...

Ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Авалло, ҳудудий комиссиялар аъзолари малакасини ошириш мақсадида минтақавий ўқув-семинарлар ўтказилса, нур устига нур бўлур эди. Зеро, зарур билим-малакага эга бўлмаган ходимини ҳар қанча ниқтаган билан катта натижага эришиб бўлмаслиги қундай равшан ҳақиқатдир.

Қолаверса, таркибига фан ва маданият арбоблари, географлар, картографлар, тилшунослар, тарихчи ва ўлкашунослар, соҳа мутахассисларини жалб этиш комиссиялар фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Давлат реестридаги мавжуд номлар этимологиясини кенг тахлил қилиб, қонун талабларига номувофиқ номлар рўйхатини тузиш ва мақбуллаштириш ҳам ишми-з олдинга силжитишга ҳизмат қилади. Шунингдек, географик объектларнинг номлари ҳақида тўла маълумот берадиган ҳамда фойдаланувчилар томонидан жой номлари бўйича таклиф киритиш имконияти мавжуд бўлган веб-портални яратиш жуда муҳим.

Умуман олганда, бугун юртимизда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш борасидаги ишлар энди жонланяпти. Бу эзгу сазъ-ҳаракатларда нафақат масъул раҳбар-ҳодимлар, аини чоғда бутун халқимиз фаол иштирок этишлари талаб этилади. Зеро, барчамиз бирга ҳаракат қилсак, жой номлари ҳар бир ҳудуд кўзгуси, таъбир жойиз бўлса, таширф қоғо-зига айланши чекар, деган эзгу гоёни, албатта, рўёбга чиқарамиз.

ЖАРАЁН

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ ВА АНИҚ ТАСАВВУР БЕРАДИ

Бошланғичи 1-бетда

БИРОР МАРТА ЎТКАЗИЛМАГАН ЖАРАЁН

2015 йил 10 июнда БМТнинг "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилинган ва унда ташиқлотта аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳали бирор марта бундай ҳисоб-китоб ишлари ўтказилмаган, сўнги бор собиқ иттифок даврида эса 1989 йилда ўтказилган эди. Ҳолбуки, кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири камида ҳар ўн йилда бир мартаба ташиқлаштирилиши анъанага айланган. Республикамизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён амалга оширилади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилади.

МАЗКУР ТАДБИР БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи бар-чага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, тахлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10–20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли мигра-цияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Улардан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастур-ларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фой-даланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Мазкур жараён уч босқичини ўз ичига олади. Биринчиси тайёргарлик босқичи бўлиб, 2–3 йилга яқин вақт давом эта-ди. Иккинчиси асосий босқич бўлиб, бунда БевоСИта аҳо-ли рўйхатга олинади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумот-лар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан 10–60 кунгача давом этади. Сўнги босқич мuddати қарий икки йилгача бўлиб, олинган маълумотлар компьютер базасига киритилиб, кодлаштириш ёрдамида тахлил этилиб, нати-жалар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маъ-лумотлар ягона электрон ахборот тизимига кирити-лади. Яъни бундан бу ёғига қозғозбозликдан воз кечилиб, замонавий технологияларни ишри этишга эътибор қари-тилиди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ АНКЕТАСINI ТЎЛДИРИШДА ҚАНДАЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛИНИЛАДИ?

● Сўров усули — рўйхатга олиш махсус анкетани тўлдириш, юзма-юз сўхбат асосида аҳолини рўйхатга олувчилар томонидан амалга оширилади. Бу Россия Федерацияси ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида қўлланилади.

● Аралаш (анкетали) усул — махсус анке-та рўйхатга олинувчилар манзилига почта ёки интернет орқали юборилади. Фуқаро-лар анкетани тўлдириб, статистика хиз-матига қайта жўнатади. Анкета келмаган манзилларга эса масъуллар юборилади. Ушбу усул камхаржлиги ва қулайлиги бил-ан ажралиб туради. У АҚШ, Канада, Буюк Британия, Польша ва Европанинг бошқа давлатларида қўлланилади.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГГА ҚАЧОН КИРАДИ?

Муножат МҶМИНОВА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида дунёнинг етакчи тахлил марказидан бири — "Times Higher Education" (THE) билан ҳамкорликда республикамиз олий таълим муассасаларининг халқаро университетлар рейтингига кириши бўйича семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда дунёдаги нуфузли уни-верситетлар глобал рейтингини "Times Higher Education World University Rankings" мезонлари бўйича олий таълим муассасаларининг ривожла-ниши ҳақидаги маълумотлари қўриб чиқилди. Улар фаолияти давлатлар ва минтақаларнинг етакчи ОТМлари билан қиёсий тахлил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Times Higher Education" (THE) ко-мпанияси билан республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўр-тасида стратегик битим имзоланган бўлиб, унга қўра, компания мутахас-сислари томонидан ОТМлар рақо-батбардошлигини ошириш, уларни нуфузли халқаро университетлар

Рўйхатга олувчиларни танлаш ҳам энг муҳим маса-лалардан бири. Чунки маълумотларнинг тўғрилигиға бе-восита улар масъул ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу жараёнга жалб этиладиган ходим-лар турли ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида тахсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, та-янч докторантлар бўлиши ҳам мумкин.

Еши ва касбидан қатъи назар, аҳолини рўйхатга олув-чилар учун қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этила-ди ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар бе-рилади. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисоби-га молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Амалдаги мезёрий ҳужжатларга биноан, яқиний маълумотлар уч тилда эълон қилинади. Чора-тадбир-лар дастурида аҳолини рўйхатга олиш натижаларини расмий чоп этиш, тарқатиш, ахборот билан таъминлаш ва эълон қилиш, дастлабки ва яқиний маълумотларни архивда сақлашга тайёрлаш мuddати 2024 йил 1 де-кабрда қадардир. Агар ишлар жадаллаштирилса, ушбу мuddатдан олдин эълон қилиш имконияти ҳам мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУКАММАЛ КАДАСТР ХАРИТАСИ ЯРАТИЛАДИ

Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидеяги уйлари билан рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала.

Турар ва нотурар жойларнинг сони аниқланиб, тегиш-ли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ма-салаларига оидкириш киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукаммал кадастр харитаси яратилади.

РЕЖА АНИҚ, ВАЗИФА МАЪЪУЛИЯТЛИ

Кейинги уч йил давомида масъул мутасаддиларни қайноқ иш жараёни кутиб турибди. Уни муваффақиятли ўтказиш учун Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳри, туманидан тортиб маҳалласига кўчасига, чекка қишлоқ ва олис овулларигача алоқадор бўлган барча маълум-отларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўламиз. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бугун, эр-та ва яқин келажақда жуда ақсодатади.

Зотан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш мақсадида ишлаб чиқилаётган кўп йиллик дас-турлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина юқори самара беради. Демак, мазкур жараён билан шу чоққача эътибордан четда қолиб келган соҳага чинакам пойдевор қўйилади, дейиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Республика топонимика хизмати томонидан 2019 йилда 47 минг 667 та, 2020 йилнинг дастлабки ойда 2 минг 555 та географик объектни номлаш ва қайта номлаш бўйича эксперт хулосалари берилган.



Ўрганишлар натижасида 21 минг 258 та шаҳарча, қишлоқ, овул, аҳоли пункти ва маҳаллалар борлиги, шундан, 274 тасининг номи қонун талабига мувофиқ эмаслиги, 105 тасининг номи битта туман (шаҳар) доирасида такрорланиши аниқланди.



Бугун юртимизда 131 минг 242 та кўча мавжуд. Шундан, 65 минг 138 таси маҳаллий Кенгашларнинг қарорлари билан тасдиқланган. 66 минг 104 таси номсиз ёки маҳаллий Кенгашлар қарорлари чиқарилмаган. 11 минг 118 тасининг номи бор, аммо пешлавларга ўрнатилмаган. Бир минг 883 та кўча номи эса битта туман (шаҳар) доирасида такрорланган.



рейтинги рўйхатига киритиш бораси-да ҳамкорлик олиб борилоқда. Хусу-сан, ОТМларимизга THE томонидан ривожланиш стратегияси ва устувор-лик тамойилларини аниқлаш имко-нини берувчи тахлилий тизим тақдим этилди.

Бу тизим уларнинг халқаро сам-митлар ва "Times Higher Education" ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбирларда қатнашиши, етакчи ил-мий таълим марказлари билан ҳам-корликни мустаҳкамлашга кенг йўл очади. THE билан вазирлик ўртасида имзоланган битимда халқаро рей-тинг агентлиги мутахассисларнинг ОТМларимизнинг нуфузли халқаро университетлар рўйхатига киришига ёрдам бериши ҳам белгилаб қўйилган.

ТАШРИФ

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси раиси ўринбосари

Ким биландир учрашиш, юзма-юз мулоқотда бўлиш, ҳамкорлик қилиш аслида инсон табиатига хос хислат. Аёнки, одам шу орқали ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этади, бир сўз билан айтганда, фаоллашади. Албатта, бу жараён унинг ҳаётида қандайдир маъно-мазмун касб этиб, ўзгартириш бўлишига туртки беради.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам шунга ўхшаш — мамлакатларнинг ҳар томонлама тараққий этиши, янги-янги имкониятлар эшиги очилиши, ўзаро дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига замин яратлади.

Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда — 19-20 февраль кунлари Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга амалга оширилган ташрифи мулоқотнинг янги форматига асос солиш, ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб олишга хизмат қилганини, қисқача айтадиган бўлсак, ҳар жиҳатдан самарали кечганини таъкидлаш жоиз.

Табиийки, энди турли соҳаларда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги янада ривожланади. Бу жараён икки мамлакат журналистларининг тажриба алмашишини жонлантиришга ҳам кенг йўл очади. Шу ўринда қардош ҳамкасбларнинг малака алмашинуви талаб даражасида бўлма-са-да ташкил этилаётгани, кейинги уч йил ичида Туркия ОАВ вакилларининг бир неча гуруҳи юртимизнинг диққатга сазовор жойларида, медиатизилмаларимизда бўлгани, кўплаб журналистларимизнинг ушбу мамлакатга ижодий сафар уюштирилганини айтиш лозим.

Мисол учун, уюшмаимиз бош-қош бўлаётган “Олтин қалам” халқаро танловида бир қатор хорижий ташкилотлар, хусусан, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси “Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун” номинацияси билан иштирок этиб келмоқда. 2019 йили мазкур номинацияда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маҳалла” телеканали катта муҳаррири Садоқат Дадаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг Наманган вилояти бўйича фотомухбири Хотам Мамадалиев, Qalampir.uz сайти ходими Суннатилла Абдуллаев голибликни қўлга киритиб, Туркия ижодий сафар йўлланмасига эга бўлган эди. Камина ҳамда айни пайтда УзАда фаолият юритаётган Фаррух Бутаева ҳам голиблар билан бирга ўтган йилнинг 15-19 сентябрь кунлари Туркияга бориш насиб этди. Ушбу юрта сафаримизнинг биринчи кунни яқинбағра тўғри келган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Туркия пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Географик жиҳатдан ривожланиш учун қулай минтақада жойлашган, Фарб билан Шарқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарувчи Туркияда Ўзбекистондан эканимизни билган маҳаллий аҳоли вакиллари “Ота юртдан келдингизми”, дея илиқ муносабатда бўлиши кайфиятимизни кўтарди. Ўзга юрта борган журналистни шу юрт урф-одат ва аъёнлари, тарихи, сиёсати,

КАСБИМИЗ БИР, ҚАРДОШЛИГИМИЗ АБАДИЙ, МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК



АҲОЛИСИ 80 МИЛЛИОНДАН ОШГАН ТУРКИЯДА ҚАРИЙБ ОЛТИ МИНГ НОМДА ХУСУСИЙ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР ЧОП ЭТИЛМОҚДА. “САБАҲ”, “ИСТАНБУЛ”, “ВАТАН”, “ДУНЁ” ГАЗЕТАЛАРИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН. АЙНИ КУНДА УЧ ЮЗ ЭЛЛИК НАФАРДАН КЎПРОҚ ХОДИМ ИШЛАЁТГАН “САБАҲ” ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИДА БЎЛДИК.

мамлакатнинг айни кунги ривожланиш жараёнларидан ташқари, оммавий ахборот воситалари фаолияти, соҳага оид техника ва технологиялар, иш усул ва услублари, ОАВларида ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар қизиқтиради, албатта.

Сафаримиз чоғида Туркия Президенти хузуридаги Коммуникациялар бошқармасида, давлат телерадиокомпанияси — TRTда, “Анадолу” ахборот агентлиги, бешта газета ва олти наодалат телеканалнинг ўзидан бирлаштирилган “Turkuvaz media” корпорациясида бўлганимиз айни мuddао бўлди.

Қароргоҳи Анқарада жойлашган “Анадолу” ахборот агентлиги ижодий жамоаси билан учрашувда айни пайтда бу ерда тайёрланаётган фото, видео ва матнли хабарлар 13 тилга таржима қилиниб, дунёнинг юздан ортиқ мамлакатига тарқатилаётгани, маҳаллий газета ва журналлар, телерадиоканаллар агентлик материалларидан фол фойдаланиб келаётгани айтиб ўтилди.

— Агентлик ходимлари, жумладан, фотомухбирларнинг иш услуби билан танишиб, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдим, — дейди УзАнинг Наманган вилояти бўйича фотомухбири Хотам Мамадалиев. — Ушбу мамлакатда чоп этилаётган газета ва журналлардан жой олаётган суратларнинг 50

фоиздан кўпроғи “Анадолу” фотомухбирлари хиссасига тўғри келаётгани улар маззу танлашда адашмаётгани, юксак маҳорат билан тарихга муҳраётган суратлари рақобатбардош эканини аниқлатади. Бу ерлик ҳамкасбларим сув остида суратга олишни ҳам йўлга қўйган.

Аҳолиси 80 миллиондан ошган Туркияда қарийб олти минг номда хусусий газета ва журналлар чоп этилмоқда. “Сабаҳ”, “Истанбул”, “Ватан”, “Дунё” газеталари шулар жумласидан. Айни кунда уч юз эллик нафардан кўпроқ ходим ишлаётган “Сабаҳ” газетаси таҳририятида бўлдик. Бу газетани ҳам босма нашрларда кечаётган қийинчиликлар, муаммолар четлаб ўтмаётган экан. Ўн йилча олдин қарийб 800 минг нусхада чоп этилган мазкур нашр бугун 300 мингга яқин тиражда чиқмоқда. Таҳририят жомаси тиражни сақлаб қолиш ва кўпайтириш илжинида изланаётди.

Ҳар кун чоп этиладиган “Сабаҳ”нинг янги сонларини газетанинг жойлардаги масъул ходимлари қисқа вақт ичида муштарийларга етказиш, бошқача айтганда, почта хизматини ҳам ўзлари бажаради. “Сабаҳ” каби нисбатан кўп тиражли газеталар битта нашриётда эмас, бир пайтнинг ўзиде Анқара, Истанбул, Измир, Бурса, Анталия каби йирик шаҳарлардаги босма-хоналарда ҳам чоп этилади.

Яна бир жиҳат. Бу ерда газета ва журналларда обуна бўлиш унчалик

оммалашмаган. Нашрлар биздагидек (ва-зирликлар ва тармоқ газеталаримиз кўзда тутилмоқда) А-2 форматда эмас, замонавий ва қулай ҳисобланаётган А-3 форматда чиқади. Матбуот нашрларига аҳоли, қорхона ва ташкилотларнинг муайян физио-ихтиёрий равишда кўпинча йиллик обуна бўлади. Қисқаси, Туркияда аҳоли газета ва журналларни, асосан, киоска ва бошқа жойлардан сотиб олиб ўқийди.

TRT1, TRT Haber, TRTokul, TRT Sport, TRTavaz, TRTKurdi, TRTworld, TRTcocuk, TRTbelgesel каби ўндан ортиқ телеканални бирлаштирилган Туркия телерадиокомпанияси фаолияти билан танишувимиз ҳам таассуротларга бой, қизиқarli кечди.

— Бу ердаги телеканалларда воқеа жойидан тўғридан-тўғри жонли эфирларнинг кўплиги, узатиладиган хабарлар 10-15 минутда тайёрланиб, эфирга берилиши эътиборга молик, — дейди “Маҳалла” телеканали катта муҳаррири Садоқат Дадаева. — TRT телеканалларида бўлиб, буни ўз кўзимиз билан кўрдик, турк ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашдик, дўстлашдик, энг муҳими, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик.

Туркия маданиятининг чинакам тарғиб-ботчисига айланган TRT телеканалларида бошқа миллат ва элатларнинг ҳам урф-одати ва тарихий меросига доир материаллар бериб борилади. Ўтган йили буюк бобокалонимиз Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм айни шу телерадиокомпания каналлари орқали намойиш этилган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи, кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгилашлар миллий аъёна ва маросимларимиз ҳақида ўнлаб теледастурлар, роликлар тайёрланиб эфирга узатилган, бу жараён давом этмоқда. Бу ишларга TRT таркибидеги телерадиоканаллар ходимлари — Ташкент вилоятининг Бекобод шаҳрида турилган Маҳлиё Шодматова, Асли қирғизистонлик ўзбек қизи Наргиза Отахонова ҳам хисса қўшаётган экан. Улар билан суҳбатлашдик.

— Бу ерда таржимонлик, муҳаррирлик қиламан, — дейди Маҳлиё Шодматова. — ОАВ орқали Марказий Осиё давлатларида, айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини кузатиб хурсанд бўламан. Мақсадим — бир неча йил тажриба ошириб юртга қайтиш, Ватанимиз журналистика соҳаси раванқи-га хисса қўшиш.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби журналистикада ҳам тажриба алмашиш ва ҳамкорлик муҳим, у ривожланишга хизмат қилади. Президентимизнинг 19-20 февраль кунлари Туркияга амалга оширилган ташрифи доирасида эришилган келишувлар қўллаб, жумладан, журналистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам асос бўлади. Бу эса келгусида турк журналистларининг Ўзбекистонга, юртимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг Туркияга ижодий сафарлари янада кўпайишини аниқлатади.

АНЖУМАН

Зарнигор ИБРАГИМОВА

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Бадий академияси тизимида бадий таълимга оид масалалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бадий академия тасарруфиде 1 та олий таълим муассасаси, 4 та ихтисослаштирилган санъат мактаби ва 11 та ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати мавжуд.

БАДИЙ ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Анжуманда бу муассасаларда бадий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш, замон талабларига мос тизимни кенг жорий этиш ҳамда жаҳондаги етакчи бадий академиялар, шу йўналишдаги таълим масканлари билан илгор тажрибалар алмашиш борасида олиб борилаётган ижодий лойиҳалар ва ҳамкорлик алоқалари хусусида сўз борди.

— Сўнги уч йил ичида бадий таълим сифатини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Бадий академия бўлим бошлиғи Мирзохид Қурбонов. — Масалан, алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул жорий этилди. Бадий таълим йўналишида яна муҳим қадамлардан бири бу — тасвирий ва амалий санъат соҳасида олий маълумотга эга бўлмаган, лекин ўзининг ноёб иқтидори ва маҳорати билан танилиб, эл

2018-2019 Ўқув йили якуни бўйича Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг 438 нафар ўқувчиси республика ва халқаро танлов-фестивалларда муносиб қатнашиб, юқори натижаларга эришди.

эътирофига сазовор бўлган халқ рассомлари, академиклар, халқ усталари каби давлат мукофоти ва олий унвонларга сазовор бўлган соҳа вакиллари истисно тарихида олий ўқув таълим даргоҳларида дарс бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан ташқари, Бадий академия тизимида ихтисослаштирилган санъат мактаблари, мактаб-интернатлари битирувчиларига давлат намунасидаги мутахассислик дипломи таъсис этилгани ҳам соҳада олиб борилаётган изчил ислохотларнинг манткий давомидир. Ихтисослаштирилган санъат мактаблари, мактаб-интернатлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш жараёнларининг Бадий академия академиклари томонидан ўтказилиши эса таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

2018-2019 ўқув йили якуни бўйича Бадий академия тизимидаги таълим муассасаларининг 438 нафар ўқувчиси республика ва халқаро танлов-фестивалларда муносиб қатнашиб, юқори натижаларга эришди.

Бадий таълим доирасида бир қанча қўшма дастурлар амалга оширилди. Миллий рассомлик ва дизайн институтида турдош хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда “дизайн либос ва газламалар”, “интеръерни лойиҳалаш” йўналишларида қўшма факультетлар очилиши шулар жумласидандир.

Келгусида Бадий академия нуфузини дунё миқёсида юксалтириш, академик салоҳиятини янада ошириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда бадий таълим йўналишларидаги кадрларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш мақсадида академия хузурида мутахассислик доирасида олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш (олий рассомлик курси) ва мутахассис-педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини очил режалаштирилган.

ХАБАР

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Р. МАДИЕВА

Халқ таълими вазирлигида Австралиянинг Савдо ва инвестициялар бўйича комиссияси менежери Наталья Коновалова бошчилигидаги Монаш, Мурдоч, Сидней технология университетлари ҳамда Navitis компанияси делегацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича дунёнинг энг яхши 1000 та университети қаторига кирувчи Австралиянинг етакчи олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон томони Австралиядаги ўқув юртларига қўшма тренинг, семинар, конференция, онлайн курс ва тадқиқотлар ўтказишни таклиф қилди. Хусусан, педагогика университетларида тахсил олаётган ўқитувчи ва талабалар алмашину-вини йўлга қўйиш хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, томонлар Австралиянинг ўқитувчилар тайёрлаш бўйича илгор тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш масалаларини ҳам кўриб чиқишди.

ТАЖРИБА

ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

Г. ДУРДИЕВА

Дунёда коронавирусга ўхшаш юқумли касалликлар авж олаётган бир пайтда беморларни изоляция қилиш учун зарурий мобил ускуналарнинг тиббиёт ходимлари ихтиёрида бўлиши жуда муҳим.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вакиллари Чехияда бўлиб, “EGO Zlin Ltd” корпорациясининг замонавий тиббиёт ускуналари ва маҳсулотлари билан танишишди.

— Чехияга ташрифимиз доирасида “EGO Zlin Ltd” вакиллари биологик ҳимоя деб аталувчи ускуналар тизимини намойиш этди. Бу ускуналар дунёнинг кўпгина мамлакатлари, шунингдек, Европада ҳам етказиб берилмоқда, — дейди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Шавкат Изомов. — Миграция оқими кучайиши, сайёҳлик ривожини юқумли касалликлар тарқалиши хавфини ҳам тўғдиради. Коронавирус билан боғлиқ воқеалар мисолида бунга яққол кўришимиз мумкин. Биологик ва кимёвий ҳимоя воситалари, биринчи

навбатда, беморлар билан бевосита яқин алоқада бўладиган мутахассислар учун мўлжалланган.

Вирусни юқтирилганликда гумон қилинган беморни ўз жойидан шифохонага олиб бориш учун ишлаб чиқарилган “BIO-BAG EBV-30/40” капсуласи делегациямиз аъзоларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Капсула турли бактерия ва вирусларни тутиб қолиш ҳамда дезинфекциялаш хусусиятига эга. Ушбу ка-мерада иммунитетни паст беморларни ҳам бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин. Беморни доимий назорат қилиш, алоқада бўлиш имкониятлари мавжуд. Капсулага нафас олиш ускунасини, ЭКГ электродларини улаш ҳам мумкин. Ундан вертолёт, тез ёрдам машинаси ва бошқа транспорт воситаларида фойдаланса бўлади.



Суратда: Чехиядаги жараёнлардан лавҳалар

Делегациямиз аъзолари беморларни хавфсиз ташиш, карантин муҳитини яратиш, дезинфекциялаш ускуналари, хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳимояловчи замонавий воситалар билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси делегациясининг янги ва

замонавий тиббий маҳсулотлар билан танишуви юртимизда уларга бўлган эътибонни ўз вақтида қондиришга ёрдам беради. Бу эса мамлакатимизда турли фавқуллода ҳолатларга тайёргарликнинг юксак даражасини таъминлайди.

“TOURIST POLICE”

— ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ИМИЖИ

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ҳозирги даврда туристлар, биринчи навбатда, ўзи сайёҳат қилишни истаган мамлакатнинг осори-атиқаларини тарихий обидаларига эмас, балки хавфсизлигига эътибор қаратади. Бугун Ўзбекистонга сайёҳатнинг энг жозибали жиҳатларидан бири ҳам айнан мамлакатимиз ҳар жиҳатдан хавфсиз эканлиги бўлиб турибди. Бу халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, “International SOS and Control Risks” халқаро компанияси экспертлари 2018 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ишлаш ва сайёҳат учун энг хавфсиз давлат сифатида қайд этди. Уша йили АҚШ Давлат департаменти ҳам Ўзбекистонни сайёҳат қилиш учун энг хавфсиз давлатлар рўйхатига киритганди.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг тобора ривожланиши келаётган сайёҳлар хавфсизлигига янада жиддий эътибор қаратиш талаб этади, албатта. Ички ишлар вазирлигида Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилишидан қўзғалган мақсад ҳам айнан шундир.

— Ўзбекистондаги тинчлик, осойишталикка қўллаб-қувватлаган мамлакатлар ҳам ҳава қилади, — дейди мазкур бошқарма вакили полковник Сарвар Усмонов. — Бунда хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиминининг ўзига хос хиссаси бор. Бугун бундай бўлимининг мамлакатимизнинг бир неча ҳудудда ички ишлар бошқармалари тузилмасида фаолият юритилмоқда.

— Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиминининг асосий вазифалари хусусида тўхталсангиз.

— Энг аввало, мамлакатимизда мавжуд сайёҳлик объектларида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва, албатта, сайёҳларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, уларнинг соғлиги ва ҳаётини асраш асосий вазифамиздир. Ҳозир юртимизга келаётган аксарият сайёҳлар Ўзбекистон туристик полициясига куч ишлатар тизим ходимлари эмас, балки меҳмонларнинг хавфсизлигини кафолатловчи, уларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки, шашни ва қадр-қимматини ҳар қандай таъвозулардан муҳофазат қилувчи, юзага келиши мумкин бўлган турли муаммоларни тезкор ва сифатли

қўриниши ҳам кўркам йигит-қизлар ишга қабул қилинган.

Юртимизга узоқ хориждан келаётган сайёҳларнинг аксарияти инглиз тилида сўзлашади. МДХ мамлакатларидан келаётганлар эса, асосан, рус тилида гаплашади. Шу боис, ходимлар рус ва инглиз тилларини билиши шарт. Айни пайтда кадрларнинг чет тили буйича билимини оширишга қаратилган тизимли ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ходим учун нафақат тил билиш, балки ўзи хизмат олиб бораётган ҳудуднинг тарихи, маданиятидан яхши хабардорлик ҳам аҳамиятлидир. У хорижлик сайёҳ билан эркин суҳбатлаша олиши, саволларига батафсил жавоб бериши лозим.

— Сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологиялар жуда муҳим. Бу борада тизимда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси доирасида бошқармалар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш, янги техника билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Самарқанддаги ситуация марказни шаҳарнинг виртуал кўзи, дейиш мумкин. У замонавий технология асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, марказдан туриб Самарқанд шаҳридаги туристик объектлар, аҳоли гавжум жойлардаги вазиятни узоқдан кузатиш имкони мавжуд.

Бундай ситуацияни марказ Шаҳрисабз шаҳрида ҳам ташкил этилган. Бугунги кунда Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларининг маъмурий биноларида ҳам бундай марказлари

Гулчирой ИСОҚОВА

“Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳри-дилинг кенг бўлсин”, деган нақлни шиор қилиб олган халқимиз азалдан меҳмондорчиликни ўз ўрнига қўяди. Оилавий меҳмон уйларининг кўпайишига ҳам шу фазилат таянч бўляпти, десак асло муболага бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги фаолиятга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йил якуни буйича мамлакатимизга 6 миллион 748 нафар турист ташриф буюрган. Жорий йилда улар сонини 7,5 миллионга етказиш кўзда тутилган. Бу сайёҳаракатда оилавий меҳмон уйларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Чунки, бундай меҳмонхоналарнинг иш бошлаганига бир ярим йил бўлишига қарамай, улар сони 900 тадан, қабул қилиш имконияти эса 7 мингдан ошди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳудудлар орасида Тошкент вилояти 184 та оилавий меҳмон уйи билан етакчи саналса, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятида бўлиб, атиги 4 тани ташкил этади.

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Оилавий меҳмон уйи — оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили асосида бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчи ёки сайёҳлар вақтинча яшаш ва овқатланиш буйича хизматлар кўрсатиш, шу орқали халол даромад топиш имконини берувчи тадбиркорлик фаолияти. Муҳими бу фаолиятни йўлга қўйиш учун миллионлаб сўм маблағ талаб этилмайди.

Тайёр хомаш ва турар жойингиз орқали хусусий тадбиркорлик фаолиятини мукаммал йўлга қўйиш мумкин. Вилоятларга сайёҳлик ташрифлари мавсумий бўлгани сабабли катта хажмдаги меҳмонхоналар ўз маблағини қоплай олмай қоладиган ҳолатлар учраши, табиий. Оилавий меҳмон уйлари кам маблағ ва кам куч сарфлаб, катта даромад олиш манбаи сифатида ҳам фойдали саналади.

ТАШКИЛ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Дастлаб оилавий меҳмон уйини Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси рўйхатга олади ва уни хостеллар ягона реестрига киритади. Бунда қўмитанинг ҳудудий бўлиналари уч иш кўнуда объектни ўрганиб, уй эгасига маълумотлардан кўчирма тақдим этади ва бу хизматлар мутлақо бепул.

Оилавий корхона ёки яқна тартибдаги тадбиркор томонидан ташкил этилган меҳмон уйи, аввало, сайёҳлар учун шинама, хавфсиз ва қўлай бўлиши лозим. Қолаверса, фаолиятни қатъий равишда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш керак. Шунингдек, санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига, эпидемияга қарши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ҳам муҳим масалалар сирасига кирилади. Яна бир томони, меҳмон уйлари реестрига киритилган маълумот-

лар ўзгаргани, ўз фаолиятини тугатгани тўғрисида уч иш кўни мобайнида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиш шарт.

Меҳмон уйларида ваколатли давлат органи томонидан ўрганиш ва шахсларни аниқлаштириш жараёнида талаблар сурўнкали равишда бузилса, бу тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга асос бўлади. Агар аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилса, фаолиятни тиклаш бўйича тақрир ариза бериши мумкин.

УЙ ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ташриф буюрувчилар томонидан жамоат тартиби меъёрлари бузилган ҳолларда жойлардаги ҳуқуқни муҳофазат қилиш органлари билан ўзаро боғланиб ҳаракат қилишлари лозим. Туризм фаолияти субъектларига берилган имтиёزلардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ саналади.

Эътиборли жиҳати, туристлар оқими пасайган ва мавсумий бўлмаган даврда меҳмон уйлари фаолиятини рўйхатга олиш тўхтатилиши мумкин. Бунинг натижасида солиқ органларига улар фаолиятини вақтинча тўхтатган даврга солиқ солинмайди. Бу ҳам тадбиркорларимиз учун яна бир имконият.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Оилавий меҳмон уйларида кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробарига ча беш йил муддатга, шу жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг юқори бўлмаган ставка буйича ажратилади. Бунда тижорат банкларининг фойз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фойзлар миқдорининг ярми Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Бюджетдан ташқари туризм фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бундан ташқари меҳмон уйлари оила аъзолари қатъий белгиланган солиқ тўловидан озод этилган бўлиб, Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан, оилавий корхона иштирокчиси бўлган ҳар битта оила аъзоси учун базавий ҳисоблаш миқдори-



МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛАДИ

— Оилавий меҳмон уйлари сайёҳлар, айниқса, чет эллик туристлар эътиборини кўпроқ тортади, — дейди Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти директор ўринбосари Маъруф Баракаев. — Асосийси, туризмнинг мазкур йўналиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, миллий анъана ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, қишлоқ жойларда тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

нинг 50 фоизи миқдорда ягона ижтимоий тўлов амалга оширилади.

ИБРАТ ОЛИШГА МОЛИК

Тошкент вилоятига 2019 йилда 3 миллион 900 мингдан зиёд сайёҳ, жумладан, 305 минг нафардан ортиқ чет эллик сайёҳ ташриф буюрган. Бу ўтган йилларга нисбатан бир неча баробар кўп. Эътиборли жиҳати, оилавий меҳмон уйлари, айниқса, хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ўз навбатида, туризмнинг мазкур йўналишини жадал ривожлантиришни тақозо этапти.

— Вилоятимизда 184 та “Оилавий меҳмон уйлари” фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Жамшид Шукуров. — Бу борада вилоятда Бўстонлик тумани катта салоҳиятга эга. Туманда 3 минг 500 дан ортиқ далаҳохта бўлса, улар фаолиятини тартибга солиш буйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чикариши учун муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Оилавий меҳмон уйлари” ва ташриф буюрувчиларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайтирилиб, ҳудудлардаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадимжолар, сўлим табият гўшаларига сайрлар уюштирилмоқда.

“VEGAS” номи билан нафақат ватандошларимиз, балки хорижлик сайёҳларда ҳам яхши таассурот қолдираётган оилавий меҳмон уйи кичик тадбиркорликнинг яхши даромад манбаига айланб улгурди. 10 кишига мўлжалланган бу меҳмон уйи нафақат уй эгаларини, балки ҳудудда яшовчи 3 кишини иш билан таъминлади. Ундаги болалар майдони, спорт ва кўнгулчор хоналар барчага бирдек манзур бўлиши табиий. Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган бундай уйлар ҳар бир сайёҳ, қолаверса, маҳаллий аҳолида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Вилоятда фаолият юритаётган “Оилавий меҳмон уйлари” сони буйича Бўстонлик тумани етакчилик қилаётган бўлса (132 та), энг паст кўрсаткич Чирчиқ шаҳри, Тошкент, Янгийўл ва Чиноз тумани (1 та) ҳисобига тўғри келади.

Аваллари фақат Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимиз сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли билан гавжум бўлса, бугунга келиб, юртимизнинг барча гўшалари инсонларга завқ берадиган мафтункор қадимжоларга айланб борапти. Оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиши туфайли юрдошларимиз эндиликда ўз уйида тадбиркорликни йўлга қўйиб, рўзгорига барака қилиши билан бирга туризм ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИМИЖИ, МАЛАКАСИ, ТАШҚИ ҚЎРИНИШИ, ҚОЛАВЕРСА, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ, УЛАРДАГИ ЛОГОТИПЛАР КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ОДИЙ САЙЁҲ МАНА ШУ ЭЛЕМЕНТЛАР ОРҚАЛИ ҲАМ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҲО БЕРИШИ МУМКИН.

ёрдан кўрсатишга доимо шай ҳимоячи сифатида қараяпти.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиналари туризм объектларида хизмат олиб боришдан ташқари, мамлакатимизга хорижий давлатлардан ташриф буюрган расмий делегация вакилларини кутиб олиш, ташриф чоғида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажармоқда.

— Ўзбекистонда “Tourist police” имижини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Ходимларнинг ўзига хос имижини, малакаси, ташқи қўриниши, қолаверса, замонавий техника воситалари, улардаги логотиплар катта аҳамиятга эга. Одий сайёҳ мана шу элементлар орқали ҳам Ўзбекистонга баҳо бериши мумкин.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиналари шахсий тарихининг жамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўлиналарга, энг аввало, чет тилларни пухта биладиган, малакали, ташқи

ташкил этиш буйича жадал ишлар олиб боришмоқда.

Юқлатилган вазифаларни самарали бажариш учун ҳудудий бўлиналар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, алоҳида белгилари билан ажралиб турувчи автобус, хизмат автомашиналари, мотоцикл, скутер, сегвей ва планшетлар билан таъминланган.

Бундан ташқари, яна янги техника воситаларини сотиб олиш ҳам режада бор. Масалан, Тошкент вилоятининг экотуризм имкониятларидан келиб чиқиб, келгусида у ердаги хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиналари учун алоҳида гидроцикл ва катерлар харид қилинади.

Бир сўз билан айтганда, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлиналари сайёҳларга доимий равишда хизмат кўрсатиш, уларга ёрдан беришга шай. Тизим ходимлари Ўзбекистонга келадиган сайёҳларнинг мамлакатимиз ҳақида гўзал хотиралар билан қайтишига барча имконият ва салоҳиятини сафарбар этади.

Л.СУВОНОВ

Бугун мамлакатимизда туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорига миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сир эмаски, туризм соҳасини ривожлантиришда транспорт тизимини такомиллаштириш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Айни мақсадда Қарши, Нукус, Термиз, Бухоро шаҳарлари халқаро аэропортларида “Очиқ осмон” режими жорий қилинган, “Ираэро” авиакомпанияси томонидан “Санкт-Петербург — Қарши — Санкт-Петербург” ва “Москва — Андижон — Москва” йўналишида, Эрон авиакомпанияси суратта олинди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА 200 ГЕКТАРЛИК ГОЛЬФ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛАДИ

“Zagros Airlines”нинг “Техрон — Тошкент” йўналишида доимий рейслари ташкил қилингани сайёҳлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг тарихий обидалари, бетакор табиати ва амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб этиш мақсадида, хорижий кинокомпанияларнинг мамлакатимиз ҳудудида аудиовизуал маҳсулотлар яратишдаги харажатларининг бир қисми давлат бюджети ҳисобидан, Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ фильмларни суратта олиш харажатларининг бир қисмини Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш механизми жорий қилинди. Натيجида 2019 йили хорижий кинокомпаниялар томонидан умумий бюджети 1,6 миллион АҚШ долларлиқ 6 аудиовизуал маҳсулот суратта олинди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ҳудудда 93 та энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари рўйхати шакллантирилди. Шунингдек, тизимда яратилаётган қўлайликлардан яна бири Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Узавтоюл”, Қурилиш вазирлиги, жойлардаги ҳокимликлар иштирокчида йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ва автомагистраль йўллари бўйлаб туризм хизматларини ташкил этишни назарда тутувчи Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳрига “Ўзбекистон туризм магистрали” туризм транспорт коридорини ташкил этиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Сайёҳларни энг кўп жалб қиладиган Экстремал туризмни ривожлантириш мақсадида кемпинг учун жойлар рўйхати тасдиқланди ва улар

атрофида қояларга чиқиш нуқталарига тегишли белгилар ўрнатилмоқда. Шунингдек, Тошкент вилоятида Жанубий Корейнинг “Seoek Tae Global” компанияси томонидан 1,3 гектар майдонда электрон гольф клуби қурилмоқда. Жиззах вилоятида “Mirasmanda Golf resort” компаниясига гольф комплекс қуриш учун 200 гектар ер ажратилди.

Шубҳасиз, амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва имкониятлар сайёҳлар оқимини янада ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан жавоб олди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 791.
36 333 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Оқсөвет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ боғмаохонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎЗА якуни — 01:50 Топширилди — 04:15 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Рисолат Мадиева**
Навбатчи: **Мухтасар Тожимаматова**
Мусаххчи: **Ойдин Аляутдинова**

Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй